



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҲОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергaнов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Мухаммаджон Хасанович Исамиддинов,
 Фарғона давлат университети
 Жаҳон тарихи кафедраси профессори,
 тарих фанлари доктори

АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

For citation: Mukhammadzhon Kh. Isamiddinov, ILLUMINATION OF THE HISTORY OF SAMARKAND IN WRITTEN SOURCES OF THE ANCIENT PERIOD. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.70-78

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485264>

АННОТАЦИЯ

Samarqandning qadimiy tarixi ko‘plab antik davr tarixchilarning yozma manbalarida, ko‘plab tarixchilarning maqola va kitoblarida, arxeologik manbalarda saqlanib qolgan. Bunday manbalarning eng qadimiysi miloddan avvalgi I asrda yozilgan “Strabon geografiyasi” nomli asar bo‘lib, unda yozilgan voqea va hodisalar, Samarqand shahri nomining tilga olinishi miloddan avvalgi IV asrning so‘nggi choragiga, Iskandar Zulqarnaynning O‘rta Osiyoga yurishi davriga (329-327) to‘g‘ri keladi.

Kalit so‘zlar: Samarqand, Strabon geografiyasi, Iskandar Zulqarnayn, Ahamoniyalar imperiyasi, Yunon-Makedoniya qo‘shini, Kvint Kurtiy Ruf, Arrian.

Мухаммаджон Хасанович Исамиддинов,
 Ферганский государственный университет
 Профессор кафедры всемирной истории,
 доктор исторических наук

ОСВЕЩЕНИЕ ИСТОРИИ САМАРКАНДА В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ ДРЕВНЕГО ПЕРИОДА

АННОТАЦИЯ

Древняя история Самарканда сохранилась в письменных источниках многих древних историков, в статьях и книгах многих историков, в археологических источниках. Древнейшим из таких источников является труд под названием «География Страбона», написанный в I веке до н. э. к периоду похода Александра Македонского в Среднюю Азию (329-327).

Ключевые слова: Самарканд, география Страбона, Александр Македонский, империя Ахеменидов, греко-македонская армия, Квинт Курций Руф, Арриан.

Mukhammadzhon Kh. Isamiddinov,
 Fergana State University
 Professor of the Department of World History,
 Doctor of Historical Sciences

ILLUMINATION OF THE HISTORY OF SAMARKAND IN WRITTEN SOURCES OF THE ANCIENT PERIOD

ABSTRACT

The ancient history of Samarkand is preserved in the written sources of many ancient historians, in the articles and books of many historians, and in archaeological sources. The oldest of such sources is the work called "Strabo's Geography" written in the 1st century BC, the events and events written in it, the mention of the name of the city of Samarkand dates back to the last quarter of the 4th century BC, to the period of Alexander the Great's march to Central Asia (329-327).

Index Terms: Samarkand, Strabo's Geography, Alexander the Great, Achaemenid Empire, Greek-Macedonian army, Quintus Curtius Rufus, Arrian.

1. Долзарблиги:

Самарқанднинг антик даври тарихи кўплаб антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларида, кўплаб тарихчиларнинг мақола ва китобларида ҳамда археологик манбаларда сақланган. Шундай манбалардан энг қадимгиси милоддан илгариги I асрларда ёзилган “Страбон географияси” номли асар бўлиб, унда ёзилган воқеа ва ҳодисалар, Самарқанд шаҳри номининг эслатилиши милоддан илгариги IV асрнинг охириги чорақларига, Александр Македонскийнинг Ўрта Осиё ҳудудларига юриши даврига тўғри келади (329-327й.).

Милоддан илгариги 334 йилда Александр Македонский 30 минг пиёда, 5 минг отлик армияни, қирғоқ бўйлаб 150 та кема кузатиб 5 йил давомида ахмонийлар империясининг асосий вилоятларини босиб олди. Ахмонийлар империясининг охириги подшоси Доро III (мил.ил. 336-330 йй.) учта йирик жангда мағлубиятга учрагандан кейин тобора шарқий ҳудудларга томон чекина бошлади. Ахмонийлар империясининг тақдири милоддан илгариги 331 йил 1 октябрда Гавгамела яқинида бўлиб ўтган жангдан кейин ҳал бўлди. Александр Вавилон шаҳрини, ахамонийлар империясининг резиденцияси – Суза, Персеполь, Пасаргада каби йирик шаҳарларни ҳам босиб олиб, Каспий дарвозаси томон йўл олди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Шу билан Александрнинг шарқий ҳудудлар томон юришининг иккинчи босқичи бошланади. Аммо, империянинг шарқий ҳудудларидаги жанглари унинг ғарбий ҳудудларига нисбатан кескин фарқ қилди. Ҳамма гап шундаки, шарқий ҳудудларда, айниқса Суғд ҳудудларида Спитамен бошчилигида босқинчиларга қарши кескин жанглари бошланиб кетди. Ҳақиқатдан ҳам Александр Ахамонийлар империясини бутун шарқий ҳудудларини босиб олиш даврида бунчалик қаттиқ қаршиликка ҳеч қаерда учрамаган эди.

Александр тузган режага асосан унинг “зафарли юришларини” тарихчилар, ёзувчилар ёзиб юришлари керак эди. Бу тўғрисида Цицерон ҳам хабар қилади: Буюк Александрнинг топшириғига кўра унинг юришларида тарихчилар ва ёзувчилар қатнашиб, юнон-македон армиясининг зафарли юришларини доимий равишда ёзиб боришлари ва абадиятга мухрлашлари кераклиги тўғрисида буйруқ берди [19: 10]. Воқеа ва ҳодисаларни ичида, яъни армия таркибида бўлиб, уларни ёзиб юрганлар ичида лашкарбоши Аристовул ўғли Аристовул, Лаганинг ўғли Птоломей ҳам бор эдилар. Айнан уларнинг ёзганлари анча кейинроқ ёзилган асарларда ишлатилди.

Александрнинг шарққа юришлари тўғрисидаги маълумотлар бир неча аср кейинроқ яшаган, лекин унинг юришлари тўғрисида тарихчи ва ёзувчилар томонидан ёзилган бирламчи асарлар билан батафсил танишиш имкониятига эга бўлган Арриан, Квинт Курций Руф каби тарихчилар томонидан қолдирилган [20: 113]. Айниқса Александрнинг Ўрта Осиё ҳудудларига юришларининг батафсил, аниқ ва ишонарли тафсилотлари юнон Арриан (милодий II аср)да яхши берилган. Аммо, римлик файласуф Квинт Курций Руф (милодий I аср) асарларида ҳам Александрнинг Ўрта Осиёга юришлари тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги қисми биров бўлса ҳам фалсафий мушоҳадага бой, шунга қарамай унинг асарларидан ҳам кўп нарсани олиш мумкин, чунки асарларида маълумотлар батафсил берилган. Шу билан бирга Плутарх (I-II асрлар) ва Юстин (II аср) асарларида Александрнинг Ўрта Осиёда олиб борган жанглари деярли эслатилмайди.

Милоддан илгариги I асрларда яшаган Диодор Сицилийскийнинг XVII китоби “Тарихий кутубхона” деб аталиб, унинг мундарижасида Александр Македонскийнинг барча юришлари батафсил баён қилинганга ўхшайди. Аммо ҳамма гап шундаки, унинг Амударёнинг ўнг томонида олиб борган жанглари тўғрисидаги маълумотлар йўқолган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бизгача етиб келган асарлар ичида энг муҳим иккита асар бўлиб, улар Квинт Курций Руф ва Арриан асарларидир. Квинт Эпий Флавий Аррианнинг “Александр Анабасиси” (“Александр юриши”) юнон тилида ёзилган асардир. Бу асар 7 та китобдан иборат бўлиб, шахсан Александрнинг хатлари, саройда тутилган кундаликлардан, юришларнинг қатнашчилари, айниқса Аристовул ва Птолемей Лаганинг, ҳамда бизгача етиб келмаган манбаларга асосланиб ёзишган. Арриан асли ёзувчи-ҳарбий бўлиб, империянинг турли вилоятларида хизмат қилиб, ҳарбий санъат тўғрисида ҳам асар ёзган ёзувчидир. Лекин унинг Ўрта Осиё ҳудудларидаги “Александр юришлари” тўғрисидаги китоби энг ишончли маълумотлар қаторига киради [1].

Арриандан фарқли ўлароқ Квинт Курций Руф (I аср бошларида) кўпинча фалсафий мушоҳадалар, бадиий тилда ёзишга ҳаракат қилиб, қаҳрамонларининг сўзларини улуғлашга ҳаракат қилган ёзувчидир. Шунинг учун унинг асарларининг қиммати Арриан асарларининг қимматидан пастдир. Шунга қарамай, Квинт Курций Руф асарларида Арриан асарларида учрамаган жойларнинг борлиги ҳаммамиз учун ҳам қимматлидир [4].

Манбаларнинг хабар беришича, милоддан илгариги IV асрнинг учинчи чорагидан Ахамонийлар империясининг шарқий вилоятларида, шу жумладан Бактрия ва Суғдда Ахмонийлар ҳокимияти томонидан қўйилган сатрап ва унинг яқинлари томонидан бошқарилар эди. Лекин жамиятда ҳам, бошқарувда ҳам маҳаллий зодагонлар катта роль ўйнашар эди. Айниқса грек-македон армиясини хужуми даврида тўғридан – тўғри Бактрия сатрапи Бессга бўй суннишган. Бошқа пайтларда эса, марказий бошқарув аппаратида ҳам, шунингдек Бактрия сатрапида ҳам бўй сўнмай қўйган пайтлари бўлган.

Суғд – юнон манбаларида Суғдиёнинг чегараси жанубда Амударё ва шимолда Сирдарёнинг юқори оқимлари билан чегараланиши эслатилади [13]. Суғдиёна тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни географ Клавдий Птоломейнинг асарларида кўриш мумкин. У бу маълумотларни бизгача етиб келмаган географ Марина Тирскийнинг (милодий II аср) маълумотларига асосланган. Птоломейнинг ёзишича, “Суғдиёна жанубий чегарасининг бир қисми Окс (Амударёдан), бошқа қисми Кавказ тоғлари, Ҳинд тоғлари деб ҳам аталади”. Бу ерда Паропамис тоғларининг давоми назарда тутилган. (Паропамис - Ҳиндикуш тоғларининг хиндча аталиши).

Птолемей бўйича, Суғдиёна ғарбда Окс дарёси билан Марғиёнадан ажралиб турган. Шимолда “Окс тоғлари” “Скифия” мамлакатидан ажратиб турган бўлса, шарқда Яксарт (Сирдарё) дарёси ва Комед тоғлари саклар билан Суғдиёна ўртасидаги чегарани ташкил этади.

Шундай қилиб, Александр Македонский юришлари даврида Суғдиёнанинг чегараси жанубда Амударё бўлган, ҳатто жанубий Тожикистон, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудлари (ўрта асрлардаги Тоҳаристон ҳам) бўлса, шимолий ва шарқий чегараси Сирдарё бўлган. Аммо, бу чегара кейинги даврларда, айниқса ўрта асрларда араб географлари Суғд деганда фақат Зарафшон водийсини тушунишган.

Милоддан илгариги VI-IV асрларга оид ахамоний подшолари томонидан қолдирилган ёзувларда бу подшолик томонидан босиб олинган сатрапликлар саналган рўйхатда Сугуда (Suguda) атамаси ишлатилган. Ёзилган хатларнинг бирида Ахамонийлар империясининг подшоси Доро III нинг Сузадаги саройини безаш учун қимматбаҳо тошлар Суғддан лазурит ва қизил сердолик, Бактриядан олтин, Хоразмдан “қора тош” олиб келингани тўғрисидаги хабар бор. Лекин Олд Осиёда милоддан илгариги IV минг йилликдан бошлаб лазурит қазиб олинган асосий макон Бадахшон ҳисобланган [21: 232-233]. Суғдиёна тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни географ Клавдий Птоломейнинг асарларида кўриш мумкин. У бу маълумотларни бизгача етиб келмаган географ Марина Тирскийнинг (милодий II аср) маълумотларига асосланган. Птоломейнинг ёзишича, “Суғдиёна жанубий чегарасининг бир

қисми Окс (Амударёдан), бошқа қисми Кавказ тоғлари, Ҳинд тоғлари деб ҳам аталади”. Бу ерда Паропамис тоғларининг давоми назарда тутилган. (Паропамис - Ҳиндикуш тоғларининг ҳиндча аталиши).

Птолемей бўйича, Суғдиёна ғарбда Окс дарёси билан Марғиёнадан ажралиб турган. Шимолда “Окс тоғлари” “Скифия” мамлакатидан ажратиб турган бўлса, шарқда Яксарт (Сирдарё) дарёси ва Комед тоғлари саклар билан Суғдиёна ўртасидаги чегарани ташкил этади.

Шундай қилиб, Александр Македонский юришлари даврида Суғдиёнанинг чегараси жанубда Амударё бўлган, ҳатто жанубий Тожикистон, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудлари (ўрта асрлардаги Тоҳаристон ҳам) бўлса, шимолий ва шарқий чегараси Сирдарё бўлган. Аммо, бу чегара кейинги даврларда, айниқса ўрта асрларда араб географлари Суғд деганда фақат Зарафшон водийсини тушунишган.

Милоддан илгариги VI-IV асрларга оид ахамоний подшолари томонидан қолдирилган ёзувларда бу подшолик томонидан босиб олинган сатрапликлар саналган рўйхатда Сугуда (Suguda) атамаси ишлатилган. Ёзилган хатларнинг бирида Ахамонийлар империясининг подшоси Доро III нинг Сузадаги саройини безаш учун қимматбаҳо тошлар Суғддан лазурит ва қизил сердолик, Бактриядан олтин, Хоразмдан “қора тош” олиб келингани тўғрисидаги хабар бор. Лекин Олд Осиёда милоддан илгариги IV минг йилликдан бошлаб лазурит қазиб олинадиган асосий макон Бадахшон ҳисобланган [2: 349-357].

Арриан ва Квинт Курцийнинг милоддан илгариги IV асрда яшаган подшоҳ Доро III даврига оид маълумотларда Суғд вилояти ҳиндлар ва бактрияликлар билан биргаликда, яъни Бактрия сатраплиги таркибида учрайди. Уларда таъкидланишича, Ахамонийлар империяси ўзининг юнон-македон армиясига қарши курашида доимо турли сатрапликларнинг ёрдамига таянган. Масалан, Доро III даврида суғдлар Бесс бошчилигидаги Бактрия сатраплиги таркибида ҳиндлар, (Ҳиндистоннинг шимолий чегараларидаги қабилалар бўлиши керак) бактрияликлар билан биргаликда жангларда қатнашишган. Аррианнинг хабар беришича, Гавгамел жангида скифлар ҳам қатнашишди (Осиё скифлари), аммо улар Бессга бўй сунушмаган, балки тўғридан-тўғри Доронинг иттифоқчиси сифатида жангда қатнашиб катта муваффақиятларга эришганлар. Бу жангда сакларга Мавак бош бўлган бўлиб, улар отни бошқаришда, отдан камон отишда моҳир эдилар [1; 5]. Квинт Курций Руф бўйича шарқий Эрон ва Ўрта Осиёлик ҳарбийларнинг ҳаракатини қуйидагича тасвирлайди: Армиянинг чап қанотида бактриялик мингта отлик, яна шунча даҳлар, арахозлар ва сузианлар тўрт минг кишини ташкил этишди. Уларнинг орқасидан юзта ўроксимон тумшугли аравалар, уларнинг орқасидан 8 минг отликдан иборат бактрияликлар. Бу отлик бактрияликларнинг орқасидан 2 мингта массагетлар ҳаракатланишар эди. Кўп ҳолларда пиёдаларни отликлар билан қўйишмас эди. Лекин ҳар қайси қўшин гуруҳи ўзларининг гуруҳлари билан бирга бирга бўлишга ҳаракат қилишар эди. Кейин форслар билан мардлар ва суғдийларни Ариобарзан ва Оронтобат олиб боришди [5: 12].

Шундай қилиб, биз Бесснинг Гавгамеладаги ҳарбий ҳаракати мисолида уни қайси сатрапликлар ва халқлар қўллаб-қувватлаганини аниқ кўришимиз мумкин. Бу урушда юнон-македон армиясининг қўли баланд келди. Эндиликда юнон-македон армиясига қарши курашда илгари Эроннинг бирлашган армияси таркибида бўлган халқларнинг ўзлари қарши курашиши керак эди. Илгари Эроннинг жуда оғир солиқларини тўлаб келган шарқий Эрон, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари Александрнинг жуда йирик ҳарбий машинасига қарши жанг қилиши керак эди. Бу жангларда фақат форсларнинг ўзлари қатнашишмас эди. Ахамонийлар ўз пайтида уларни солиқлардан ҳам озод қилишган эди. Ахамонийларнинг сатрапликлардан ҳар йили тўплайдиган солиқларининг миқдори 14560 эвбей талант бўлар эди. Бу тўрт тонна кумушнинг қимматига тўғри келар эди. Бу тўланадиган солиқларнинг катта қисми ғарбдаги сатрапликларга тўғри келар эди. Чунки, бу ҳудудлар иктисодий жиҳатдан анча тўқ бўлган ҳудудлар қаторига кирар эди. Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё халқлари ҳам анчагина солиқ тўлашлари керак эди. Геродотни хабар беришича, Бактрия 360 талант, Парфия, Хоразм, Суғд ва Ария 300 талант, саклар ва каспилар 250 талант. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг учта сатраплиги ахамонийларга 910 талант кумуш тўлаши керак эди. Бу миқдор Ахамонийлар

империясига солиқ тўлайдиган энг бой сатрапликлар Вавилон ва Ассириядан бироз кам эди холос [14: 92-93]. Булардан ташқари сатрапликлардаги аҳоли натурал солиқ ҳам тўлашар эди. Бундай солиқлар подшоларга (сатрапларга ҳам бўлса керак) аталган турли махсулотлар ва айниқса вино совға тарзида бериб турилган. Ўрта Осиёда сувга ҳам солиқ жорий этилганлиги, айниқса сув омборидаги шлюзларни очиш учун солиқ бўлганлиги тўғрисида ёзма маълумотлар сақланиб қолган [14: 117].

Суғдийлар ҳам босиб олган халқ сифатида мажбурий меҳнатга жалб этилган. Бундан ташқари барча сатрапликларни аҳолиси, шу жумладан суғдийлар ҳам мажбурий ҳарбий хизматни ўташга мажбур эдилар. Улар ҳарбий тўкнашувлар даврида ахамонийлар империясининг аскарлари сифатида жанг қилишга мажбур эдилар. Ахамонийлар империясининг турли қисмларидаги ҳарбий гарнизонларда турли сатрапликларнинг аскарлари хизмат қилишга мажбур эдилар.

Шундай қилиб, Александр Македонский армияси Ўрта Осиёликларнинг ҳарбий кучи, уларнинг курул-аслаҳаларини мустақкамлиги ва айниқса уларнинг қаршилиқ кучларини қанчалик юқори эканлигини сезишди.

Суғд ва унга кирган худудлар тўғрисида энг қадимги диний мазмунга ва ривоятлардан иборат бўлган асар Авестода келтирилган маълумотларнинг энг қадимгилари милоддан илгариги VIII-VII асрларга оид бўлиб, бу асарларнинг ҳам асосий қисмлари милоднинг IV-V асрларда кўчирилган нусхаси туфайли биз шунчалик қимматли материалларга эга бўлиб ўтирибмиз. Авестонинг бизгача етиб келган маълумотлари ҳам жуда қисқа бўлиб, унинг катта қисми йўқотилган.

Бизга керакли бўлган маълумотларнинг энг муҳими Суғд ва унинг турли худудлари тўғрисида берилган маълумотларнинг борлигидир. Жумладан, бу асарда Хирот яқинидаги Парапамис тоғларидан Марв воҳасигача, Амударё қирғоқларидан Орол денгизи ва Сирдаё атрофларидаги вилоятларгача бўлган худудлар тўғрисида маълумотлар бор. Буларнинг ҳаммаси Митра туфайли бўлганлиги қайд этилади. Ва бу худудларда Ишкат ва Парутга, Хирот ва Марвга, Суғд Гавасига ва Хоразмга дарёлар қайнаб, тошиб тоғлардан сув олиб келиши ёзилган. “Суғд Гава” атамаси Авестанинг Видевдат I бобида дунёни яратилиши жараёнлари тўғрисида ёзилган қисмида учрайди. Унда айтилишича, Эранвеж яратилиб бўлиши биланок буюк худо Ахурамазда суғдларнинг яшаш макони Гавани яратди [22: 269]. Шарқшунос олимларнинг фикрича, Гава атамаси дастлаб “хайвонлар учун кўра”, кейин “тураржой, қишлоқ” ва “яшаш макони” каби маъноларни билдирган. “Гав” атамасини айрим олимлар араб манбалари томонидан эслатилган “Қай” – “Фай” билан қиёсланади. Чунки, В.В.Бартольднинг айтишича, “Қай” атамаси араб тилида “Фай” бўлиб ўқилиши керак [3]. Шунинг учун Марказий Суғд худудидаги энг йирик каналлардан бирининг номи ҳам “Наҳри Фай” деб аталган.

“Гава” атамасини “Суғд” атамасининг синоними эканлигини жуда кўп олимлар таъкидлашган. Гавани Ернинг еттита жуда муҳим ўлкасининг бири сифатида ифода этган. Суғд тўғрисида ўрта форс даври манбалари ҳам хабар беради. Гава мамлақати билан афсоналарнинг бутун бошли цикли бўлиб, улар ичида энг машхурлари Гопатшах бўлиб, у мамлақат подшоси сифатида таърифланади (Гопатшах – дунёнинг эгаси). Бу подшоҳнинг тасвири тасвирий санъат асарларида ҳам тасвирланганлиги маълум [15: 28; 16: 71-86]. Авестода Гопатшах номи орийлар билан турлар ўртасидаги жанг тафсилотлари даврида учраса, айнан шу эпизодлар ўрта асрлардаги Шохномада ҳам учрайди.

Суғд атамаси милоддан илгариги VI асрлардан бошлаб ёзма манбаларда учрайди. Ахамонийлар ва қадимги форс манбаларида (элам ва аккад ёзувларида) Сугуда (Suguda) тарзида ёзилган бўлиб, Суғд атамаси тўғри ёзилганлигини кўрсатади. Юнонлар бу атамани Согдиана деб айтишди. Авестода Суғд атамаси шарқий Эрон шакли сифатида Суғда, Сухда, қадимги арман текстларида Совдик (Sovdik), Сурияликлар тилида Сод (Sod), қадимги турк тилидаги руний ёзувларида соғд, соғдиқ, Махмуд Қошғарий луғатида соғдак шаклида берилган. Суғдларнинг ўзлари ўз мамлақатларини Суғд, Сғуд ва Суғуд деб айтишган. Милодий VII асрда хитой сайёҳи Сюань Цзян Суғдни Сули деб айтади ва бу худудга Чу дарёсидан Темир дарвозасигача бўлган худудларни киритади.

Албатта Суғднинг чегаралари энг қадимги даврлардан ўрта асрларгача бўлган вақт ичида тобора торайиб борган ва “Кичик Қандия” асарида Самарқанд подшолиги эллик саккиз фарсанг масофада эканлиги ва унга Хўжанд дарёсидан Темир дарвозагача бўлган худудлар киришини, шунингдек Самарқанд атрофида жойлашган “касаба”лар ва шу билан бирга Суғд атрофида жойлашган “касаба”лар тўғрисида ёзади [8: 353]. Ҳақиқатдан ҳам Китоб-Шаҳрисабз воҳасида яшаган аҳоли ўзини суғути, яъни суғдийлар деб келганликлари тўғрисида этнографик маълумотлар бор [9: 56-57].

Шундай қилиб, Суғд ўлкаси ва суғдийларнинг таъсир доираси жуда катта бўлиб, улар фақат Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидагина эмас, балки Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Шарқий Туркистон ва Чуй водийси худудларида ҳам уларнинг қишлоқлари бўлиб, ўз таъсир доирасига эга эдилар.

Милоддан илгариги 334 йилда Александр Македонский Эроннинг худудларини босиб олиш учун ўзининг юришларини бошлади. Бундай катта масштабдаги юришни инсоният ўша давргача билмаган эди. Охири бутун империя Александр армияси олдида таслим бўлди.

Гавгамел жанги Ахамонийлар империясини тақдирини ҳал қилган бўлса, аммо, Бесс бошчилик қилган Бактрия сатраплигининг армияси ўзининг ҳарбий қудратини йўқотмаган эди. Шунинг учун бу армия шарқ томонга чекиниб, ўзининг армиясини душманга қарши курашга тайёрлай бошлади. Милоддан илгариги 329 Доро III ўлиmidан кейин Бесс ўзини подшо деб эълон қилиб, Артаксеркс номини олди ва “Осиё подшоси” деган номга сазовор бўлди. Жуда тезлик билан жангдан қочган солдатларни, бактрияликларни, форсларни, суғдлар, саклар ва Танаис бўйлаб яшайдиган бошқа қабилаларни ҳам ёрдамга чақириб, ўз армиясини тўлдира бошлади [1: 25; 4 VI: 6,13]. Александр армияси эса, Каспий денгизи бўйлаб юриб, бирон-бир кескин қаршиликка учрамади ва натижада Парфияни тўлиқ эгаллаб ўз армиясига бироз дам бергандан кейин Бактрия томон юришни бошлади.

Бесс имкон қадар Бактрия худудларидан Танаис Сирдарё бўйларигача бўлган худудлардаги аҳолидан жанг қила оладиган қисмини армияга чақиритишга ҳаракат қилди. У маҳаллий аҳолини ўз ерини душмандан ҳимоя қилиш ҳиссиётидан фойдаланиб ахамонийлар тахтини, уларнинг династиясини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Бесс шарқий вилоятларнинг (Бактрия Суғд билан, Арея, Афғонистоннинг жанубий вилоятлари) коалициясини тузишга муваффақ бўлган бўлса ҳам, аммо Александр Македонскийнинг жуда катта кучига тенг келадиган армияни туза олмади.

Александр Ареяда ташкил этилган кўзғолонни бостиргандан кейин Бесс бошчилигидаги Бактрияни забт этишга йўл олди. 329 йилнинг баҳорида Александр Ҳиндиқуш тоғларидан ошиб ўтиб Бактрияга кириб борди ва Драпсаку шаҳрини эгаллади (Кундуз бўлиши керак). Аррианни хабар беришича бу даврга келиб, Доро даврида қамалган Бактриялик 7000 асир озод бўлиб, Бесс армиясига келиб қўшилишди. Танаиснинг нариги томонидаги дахлардан ҳам келишди. Шунга қарамай Бесс армиясининг умумий сони Александр армиясидан икки баробар кам эди. Бунинг устига бактрияликларнинг ўзи Бессни унчалик қўллаб-қувватлашмади. Бесс актив партизанлик ҳаракатини олиб бораолмади. У фақат Александр бостириб келаётган жойларни ҳаммасини чўлга айланитишга ҳаракат қилди. Александр жуда кийинчилик билан ҳаракат қилди, чунки бу ерларда анча қалин қор ётар эди [10: 241]. Бесс Бактрияни қўлдан бой бергандан кейин Окс дарёсидан Суғд худуди томон ўтди ва унинг мақсади бу ердан Александр армиясига қарши куч тўплаш эди. Бесс билан биргаликда Окс дарёсидан суғдлик Спитамен, бактрия аслзодаларининг вакили Оксиарт, Перетакилик Катан ва Танаис ортидан келган дахлар ҳам дарёдан ўтишди. Аммо, дарёдан ўтишгандан кейин Бесснинг қочганлигини билишгач, у билан келган барча жангчилар ҳам тарқаб кетишди [1 III: 10-28]. Шундай қилиб, Александр Бактрияни деярли қаршиликсиз босиб олди. У дастлаб Бактриянинг Аорна (ҳозирги Тошкўрғон) ва мамлакат пойтахти Бақтрани эгаллаб олди.

Шундан кейин, Александр Суғд томон хужумга тайёргарлик кўра бошлади. Александрнинг Бактрия ва Ареядаги ўзини тутиши, унинг маҳаллий аҳолига бўлган муносабати, юнонларни қилаётган ишлари ахамонийлардан ҳам кўра ёмон бўлаётганлигини билган маҳаллий аҳоли ва жангларда қатнашган суғдийлар, дахлар ва бошқа халқлар учун

катта мактаб бўлди. Айниқса атрофдан келган жанг қатнашчилари юнонлар армиясининг таркибини, уларнинг ҳаракат қилиш, турли ҳийлаларни ишлатиш йўлларини ўрганиб олишди. Бу ердаги жанглардаги тажрибалар Суғдда келгусида олиб бориладиган жанглар учун ижобий натижа беришига ишонч ҳосил қилишди.

Александр Македонскийнинг Суғд ҳудудларидаги ҳаракати тўғрисида шарқшунос олимлардан В.В.Григорьевнинг Буюк Александрнинг Фарбий Туркистонга юриши асари [11: 175-208], немис астрономи Ф.Шварцнинг Юнон-Македон армиясининг Амударё ортига юриши номли асари [10: 102] historian V.V. Tarn, who studied the war period and gave his evaluations to Spitamen, the liberator of the Sogdians [23: 390-400], инглиз тарихчиси В.В.Тарннинг ўруш даврини ўрганиб суғдийларнинг халоскори Спитаменга берган баҳолари [17; 18; 20] советлар даври шарқшунос олимаси К.В.Тревернинг Ўрта Осиё халқларининг юнон-македон босқинчиларига қарши курашидаги мардонаворликлари [10: 236-274, 523-532], Б.А.Литвинскийнинг юнон-македон босқини давридаги сиёсий тарихни, ҳарбий тактик ҳолатни чуқур ўрганганликларини кўриш мумкин.

Бесс Амударёдан ўтгандан кейин барса қайиқ ва кемаларни ёқиб Наутакага жўнаб кетди. Кўпчилик олимлар бу шаҳарни Кеш водийсидаги Узунқир ва Сангиртепа харобалари бўлиши керак, деб ҳозирги пайтгача айтмоқдалар.

Александр армиясини Амударёдан ўтиши 5 кун муддатни талаб қилди. Теридан ясалган мешларга сомон тиқишиб соллар ясалди, ва улар ёрдамида барса аскарлар Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб олишди. Амударёдаги кечувнинг ўрни унчалик аниқ эмас. Олимлар бу кечув Келиф, Чучқа Гузар, ёки Термизда бўлиши мумкинлигини айтишмоқда.

Александр Амударёдан ўтгандан кейин биринчи қилган иши юнон-бранхидлар яшайдиган шаҳарчага келди. Бранхидлар аслида Грециянинг Милет шаҳридан бўлишиб, милоддан илгариги V асрда уларга ишониб топширилган Апполон Дидимейский ибодатхонасида сақланадиган қимматбаҳо хазинани Ксерксга берган эдилар ва бунинг учун ўзларининг ватандошларини ғазабларини ошишидан қўрқишиб, Ксеркс билан бирга Осиёга жўнаб кетган эдилар. Шундан бошлаб Милетликлар бранхидларни кўрганда уларни сотқин одамлар эканликларидан нафратланиб юришар эди. Айрим манбалар Александр бранхидларни яшайдиган жойини қидириб топиб, уларни биттасини ҳам қолдирмасдан қириб ташлаганлари тўғрисида хабар беришади. Шундай қилиб, бранхидлар ибодатхонада сақланадиган буюмларни бегоналарга бериб юборганликларига яқин юз йилдан ошиқроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, ўша гуноҳкор одамларнинг ўғил-қизлари ёки набиралари жавоб беришди, яъни ота боболари қилган ишга набиралар қатл этилди [1 III: 30].

Кўп ўтмай Бесс яширинган қалъа топилиб у қўлга олинади. Шундан кейин Александр ўз армиясини маҳаллий отлар билан тўлғазиб Суғднинг йирик пойтахт шаҳри Мараканда томон йўл олади.

Александрнинг Мараканда томон йўлининг қайси томон билан бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида мунозаралар бўлиб, улардан бири М.Е.Массон Александр Келиф атрофида Амударёдан ўтгандан кейин қумли чўл зоналаридан ҳам ўтиб Қарши воҳасидаги энг йирик ва қадимги шаҳар харобаси Ерқўрғонга келган дейди. Чунки, у Навтака шаҳрини Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар бўлиши керак деб ўйлайди. Аммо ҳозирги пайтда кўпчилик олимлар Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар бу Ксеннипа бўлиши кераклиги ва аксинча, Навтака Кеш-Шаҳрисабз воҳасида бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар бор.

Шундай қилиб, Александр қўшинлари Навтака орқали Зарафшон тоғларини жануби-ғарбий томондан айланиб ўтиб Жом қишлоғи томондан Маракандага борган. Шунинг учун бўлса керак, Жом атрофларидаги дашт ҳудудлари маҳаллий аҳоли томонидан “Дашти Искандар” деб айтилади. Айрим тарихчилар Александрни Маракандага келиб музокаралар олиб бориши натижасида уни урушсиз эгаллаганлиги тўғрисида ёзишади. Аммо, Квинт Курцийнинг ёзишича, Александр Маракандани олгандан кейин у ерда гарнизон қолдириб, атрофдаги қишлоқларни аҳолисини қириб, уйларини ёқиб юборади [6: 6-10]. Маракандада гарнизон қолдириб Александр Уструшана орқали Сирдарё томон йўл олади. Аммо, бу армияни тоғли ҳудудларда пистирмалар кутиб турган эди. Александр катта кучни тоғли

суғдийларга қаратишга мажбур бўлади. Тоғлик суғдийлар турли пистирмалардан фойдаланиб душманга қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Жуда кўплари кириб ташланди. Тоғли қочкинларнинг умумий сони 30000 эди. Уларнинг фақат 8000 тирик қолишди. Бу уруш Уструшона тоғларида бўлиб ўтди ва буни манбалар “Суғд тоғлари” деб айтилди [7: 12, 2].

Александр Суғд тоғларидаги қаршиликни синдиргандан кейин Сирдарё бўйлари томонга йўл олди. Александр Яксарт дарёсига етиб боргандан кейин, дарёнинг иккинчи тарафидаги скифлардан элчилар билан музокаралар олиб борди. Страбон Эратосфеннинг хабар беришича,

Ҳамда бу нарса шу пайтгача бўлган бутун инсоният тарихини тақдирини, бутун бошли маданиятни инқирозга учрашига олиб келди. Бу даврда пайдо бўлган маданиятни “эллинистик маданият”, айрим жойларда эса, “эллинлашган маданият” деб айтишди. Бу ердаги эски, маданиятларни кириб келган маданиятлар билан қоришуви натижасида бу худудларда ҳам мутлақо янги маданиятларни, ёки қоришган маданиятларни пайдо бўлишига олиб келди.

4. Хулосалар:

Александр ўзининг Осиёга қилган юришларининг деярли ярмини Суғд ва Бактрия худудларида ўтказди. Ҳамма гап шундаки, юнон-македон армияси шу даражадаги қаттиқ қаршиликка учраган эдики, бундай қаршиликни ҳеч қаерда учратилмаган эди. Шу муносабат билан Александр ўз юришларида бироз бўлса ҳам тактикани ўзгартиришга мажбур бўлди. Яъни босиб олинган ерлардаги аҳолини худди бир халқдай яшашларини жуда ҳам истади. Бундай аҳолини бир-бирига яқинлаштиришнинг йўлларида бири юнон-македон армияси кўшинларини ҳарбий саркардаларини маҳаллий қизларга уйлантириш ишлари йўлга қўйилди.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Арриан. Поход Александра. (М.Е.Сергеенко таржимаси). М.-Л., 1962.
2. Дьяконов И.М. История Мидии. М.-Л., 1956. –с.349-357.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. I, М.: 1963. С. 144, 148, 184; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинения. Т. III, М.: 1965, с. 117, 197-198.
4. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. (под редакцией В.С.Соколова).М.: 1963.
5. Квинт Курций Руф. IV, 12, 6-8.
6. Квинт Курций, VII, 6, 10.
7. Клавдий Птолемей, VI, 12, 2.
8. Кандия Малая, перевод В.Л.Вяткина, - СКСО, вып.VIII, Самарканд.: 1906, стр. 253.
9. Кармышева Б.Х. Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарьинской области Узбекской ССР. – Краткие сообщения Института Этнографии АН СССР. Вып. XXXIII, М.: 1960, с. 56-57.
10. Литвинский Б.А. История таджикского народа. Т. I, с. 236-274, 523-532.
11. Журнал Министерства народного просвещения. Ч. ССXVII, СПб., 1881.: с. 24-67; 175-208.
12. Литвинский Б.А. История таджикского народа. Т. I, с. 236-274, 523-532.
13. Страбон «География». (II, 73; XI, 514, 517).
14. Геродот. III, 92-93.
15. Григорьев Г.В. Поселения древнего Согда (по данным исследования городищ Самаркандского района), КСИИМК VI, М.- Л., 1940, с.28;
16. Тревер К.В. Гопадшах – пастух-царь. Труды Отдела культуры Востока Государственного Эрмитажа. Т. II, Л., 1940, с. 71-86.
17. Тревер К.В. История народов Узбекистана. Т. I. Ташкент.: 1950.
18. Тревер К.В. История Узбекской ССР. Т. I. Ташкент.: 1955, с. 57- 69.
19. Цицерон, “Pro Archia”, 10.

20. Тревер К.В. Александр Македонский в Согде. (Из истории народов Средней Азии), - “Вопросы истории”, 1947, №5, с. 113.
21. Hersfeld. Altpersische Inschriften. Berlin. 1938, Ss. 232-233.
22. Benveniste E. L’Eran-vez et l’origine Képendaire des Iraniens, - “Bulletin of the School of Oriental Studien”, London, vol. VII, pt. 1, 1936, p. 269.
23. Tarn W.W. Alexander conquests of the Far East, - The Cambridge ancient history. Vol. VI, Cambridge, 1933, pp. 390-400.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000